

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 29 ” апрель

№ПК-4300

“ _____ ” 20 г.

**Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидагилар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини фаоллаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидағи давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш;

инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар (“Road Show”) ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар:

Инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун таклиф қилинадиган хўжалик жамиятларининг устав капиталларидағи давлат акциялар (улушлар) пакетлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Хорижий инвесторларга таклиф қилинадиган инвестиция таклифлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этиши учун тавсия қилинадиган халқаро иқтисодий ва инвестициявий форумлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Н.Арипов) икки ҳафта муддатда инвесторларга сотиладиган хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини баҳолаш ва савдога қўйиш графикларини тасдиқласин.

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини хорижий инвесторларга сотиш шартлари ва усулларига ўзгартириш киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил куз фаслида Тошкент шаҳрида **Тошкент халқаро инвестиция форумини** (кейинги ўринларда – Халқаро инвестиция форуми) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) 5-иловага мувофиқ тузилсин.

Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

6. Ташкилий қўмитага (Арипов):

зарур ҳолларда, Халқаро инвестиция форумини молиявий, юридик ва ахборот жиҳатдан таъминлаш учун етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш;

Халқаро инвестиция форуми дастури ва уни ўтказишнинг аниқ санаси, шунингдек, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;

истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича дастлабки ТИА ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиши таъминлаш ҳукуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси истиқболли инвестиция лойиҳаларини Ташкилий қўмитага тақдим қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг Халқаро инвестиция форумида фаол иштирок этишларини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги:

2019 йил давомида мунтазам равишда йирик халқаро бизнес ва молиявий хабларга мақсадли аудитория учун мўлжалланган тақдимотлар билан ташриф бујорган ҳолда “**Road Show**” дастурларини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида инвестициявий резидентлик тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда маркетингнинг энг янги технологияларидан фойдаланиш, мамлакатнинг ягона интеграциялашган брендини яратиш ва илгари суриш ҳамда стратегик коммуникациялар бўйича халқаро маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали халқаро бизнес аренада Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари суриш бўйича “**Invest in Uzbekistan**” – ягона, мувофиқлаштирилган ахборот кампаниясини ишлаб чиқсин.

9. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири **С.У. Умурзаков** зиммасига – вазирлик ва идораларнинг Халқаро инвестиция форуми доирасида хорижий инвесторларга таклиф қилинадиган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **А.Х. Камилов** ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари зиммасига – Халқаро инвестиция форумида қатнашиши учун потенциал инвесторлар ва хорижий мамлакатларнинг ишбилармон тузилмалари вакилларини таклиф қилиш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан;

тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари зиммасига – тегишли соҳаларда истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ташкилий қўмитага тақдим қилиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – Халқаро инвестиция форумида тегишли ҳудудларнинг фаол иштирокини таъминлаш, унинг инвестициявий салоҳиятини тақдим қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

хорижий мамлакатларда “Road Show”да иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси делегацияси вакилларига кўмаклашсин;

Халқаро инвестиция форумининг хорижий иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг виза талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йифимларни ундирамасдан расмийлаштирилишини таъминласин;

Халқаро инвестиция форумининг ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали кенг ёритишни таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳар бир ер участкаси ва хорижий инвесторларга фойдаланишга тайёр ҳолда таклиф қилинадиган бўш турган давлат мулки обьектлари, шу жумладан маҳсус туристик зоналар ҳудудларида жойлашган обьектлар бўйича инвестиция лойиҳалари материалларининг инглиз ва рус тилларидаги тақдимот каталогини ҳар ой тайёрласин ва киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар хорижий инвесторлар учун иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестициявий талаб ва потенциал лойиҳалар, зарур тақдимот материалларини тайёрласин;

2019 йил давомида мамлакатда кенг миқёсли ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги, инвестиция киритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлиги тўғрисида, энг аввало, хорижий ишбилармонлар, тадбиркорлар, потенциал инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғибот ва кенг хабардор қилиш масалалари бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Халқаро инвестиция форуми доирасида, амалга оширилаётган ислоҳотлар, инвестиция лойиҳаларининг долзарб жиҳатларига бағишлиланган, шу жумладан тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари, давра сухбатларини ўтказсин;

Интернет тармоқларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тармоқ ислоҳотлари, ҳар бир амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг асосий параметрлари, лойиҳаларни амалга ошириш кафолатлари, уларнинг рақобатдаги устунликлари ва бошқалар тўғрисида батафсил ва тушунарли расмийлаштирилган ахборот ресурсларини тайёрлаш борасидаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда Халқаро инвестиция форумини ўтказиш кунларида хорижий иштирокчиларнинг тегишли ҳудудларда жойлашган маданий-тариҳий обьектларга ташрифини юкори даражада ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар Халқаро инвестиция форуми ва “Road Show”ни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро инвестиция ва бизнес форумларда иштирокига оид тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган **2019 йилда ишлаб чиқилиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари рўйхати** 7-иловага мувофиқ маъкуллансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тўлақонли бажарилиши учун зарур бўлган молиявий-иктисодий ҳисобкитобларни ўз вақтида амалга ошириш, норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 31 ва 32-бандлар билан тўлдирилсин:

“31. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий бўлинмаларига, шу жумладан хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хусусийлаштириладиган ёки хўжалик жамиятларининг устав фондларига давлат улуши сифатида ўтказиладиган давлат активларини баҳолаш хизматлари.

32. Давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш учун жалб қилинадиган инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, шу жумладан хорижий маслаҳатчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий бўлинмаларига кўрсатадиган хизматлари”.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М. Ганиев ва Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарорига
1-илова

**Инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун
таклиф қилинадиган хўжалик жамиятларининг устав капиталларидағи
давлат акциялар (улушлар) пакетлари
РЎЙХАТИ**

Т/п	Хўжалик жамиятининг номи	Жойлашган манзили	Сотилиши белгиланган активлар (фоизда)	
			давлат улуши	хўжалик бошқаруви органининг улуши
Молиявий институтлар				
1.	“Алоқабанк” АЖ ^{(1) (2)}	Тошкент шахри	25,0 ⁽³⁾	-
2.	“Туронбанк” АЖ ^{(1) (2)}	Тошкент шахри	25,0	-
3.	“Asia Alliance Bank” АТБ ^{(1) (2)}	Тошкент шахри	25,0 ⁽⁴⁾	-
4.	“Кафолат” АЖ ^{(1) (2)}	Тошкент шахри	25,0	-
Қурилиш				
5.	“Қизилқумцемент” АЖ ⁽²⁾	Навоий вилояти	35,9	-
6.	“Кварц” АЖ ^{(1) (2) (6)}	Фарғона вилояти	74,98	-
Ёғ-мой тармоғи				
7.	“Евроснар” МЧЖ	Бухоро вилояти	51,0	-
8.	“Каттақўрғон ёғ-мой” АЖ	Самарқанд вилояти	64,9	
9.	“Урганч ёғ-мой” АЖ	Хоразм вилояти	60,3	-
10.	“Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖ	Тошкент шахри	51,0	-
11.	“Фарғона ёғ-мой” АЖ	Фарғона вилояти	84,5	-
12.	“Қарши ёғ экстракция” АЖ	Қашқадарё вилояти	51,0	-
Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш				
13.	“Н.А. Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ	Самарқанд вилояти	71,2	-
14.	“Наманган вино” АЖ	Наманган вилояти	57,24	-
15.	“Шоҳруд” АЖ	Бухоро вилояти	51,0	-

Т/п	Хўжалик жамиятининг номи	Жойлашган манзили	Сотилиши белгиланган активлар (фоизда)	
			давлат улуши	хўжалик бошқаруви органининг улуши

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати

16.	“Coca-cola Ichimligi Uzbekistan” МЧЖ ҚҚ ⁽¹⁾	Тошкент шаҳри	-	57,0
-----	--	---------------	---	------

Кимё саноати⁽¹⁾⁽²⁾⁽⁵⁾

17.	“Фарғона азот” АЖ	Фарғона вилояти	48,05	2,95
18.	“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	-	51,0
19.	“Дехқонобод сода заводи” МЧЖ	Қашқадарё вилояти	-	51,0 ортиқ

Электр энергетика тармоғи

20.	“Ангрен ИЭС” АЖ	Тошкент вилояти	-	99,0
21.	“Янги Ангрен ИЭС” АЖ	Тошкент вилояти	-	99,59

Нефть-газ тармоғи

22.	“Бухоронефтгазпармалаш” АЖ	Бухоро вилояти	-	51,24
23.	“Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш” АЖ	Бухоро вилояти	-	74,0
24.	“Qashqadaryoparmalash ishlari” АЖ	Қашқадарё вилояти	-	51,0
25.	“Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖ	Қашқадарё вилояти	-	73,87
26.	“Surxon parmalash ishlari” АЖ	Сурхондарё вилояти	-	51,0
27.	“Андижоннефтгазқудуктаъмирлаш” МЧЖ	Андижон вилояти	-	100
28.	“Фарғона нефтбазаси” МЧЖ	Фарғона вилояти	-	100
29.	“Гулистон нефтбазаси” МЧЖ	Сирдарё вилояти	-	100

Изоҳ:

Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита заруратга кўра мазкур Рўйхатга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш хукукига эга.

Сотилиши белгиланган давлат улуши ёки хўжалик бошқаруви органларининг улуши микдори ўзгарган тақдирда, активларнинг сотилиши ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

¹⁾ акция пакетлари (улушлар)ни баҳолаш нуфузли халқаро баҳоловчи компаниялар томонидан умумқабул қилинган халқаро баҳолаш стандартлари асосида амалга оширилади. Акция пакетлари (улушлар)ни баҳолаш нуфузли халқаро баҳоловчи компаниялар томонидан амалга оширилганда баҳолаш хисоботларининг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш

талааб этилмайди. Баҳоловчиларни танлаб олиш энг мақбул таклифлар асосида түғридан-түгри шартнома тузиш орқали амалга оширилади, бунда баҳолаш хизматларига ҳақ тўлаш акция пакетлари (улушлар) сотилиши белгиланган хўжалик жамиятлари маблағлари хисобига амалга оширилади.

²⁾ сотиш инвестициявий воситачилар ёки консультантлар орқали амалга оширилиши мумкин.

³⁾ акцияларни оммавий жойлаштириш (SPO)га мўлжалланган 10 фоизни хисобга олган ҳолда. Бунда, потенциал инвесторларнинг таклифи мавжуд бўлганда Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси унга акцияларни оммавий жойлаштиришнинг олдинги босқичи тугаганидан сўнг SPO йўли билан реализация қилинадиган қўшимча улушни сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

⁴⁾ устав капиталининг амалда шаклланган қисмидан келиб чиқиб, акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO)га мўлжалланган 10 фоизни хисобга олган ҳолда. Бунда, потенциал инвесторларнинг таклифи мавжуд бўлганда Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси унга акцияларни оммавий жойлаштиришнинг олдинги босқичи тугаганидан сўнг IPO йўли билан реализация қилинадиган қўшимча улушни сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

⁵⁾ сотиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПК-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур қарорга мувофиқ амалга оширилади.

⁶⁾ SPO орқали 20 фоиз акция пакетини босқичма-босқич оммавий жойлаштиргандан сўнг, 15,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни киритиш ёки учинчи шахсларга қўшимча акцияларни чиқариш шарти билан. Бунда, оммавий жойлаштиришнинг аввалги босқичи якунлангандан сўнг салоҳиятли инвестор мавжуд бўлганда Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси SPO йўли билан реализация қилинадиган қўшимча улушни мазкур салоҳиятли инвесторга сотиш бўйича қарор қабул қилиш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарорига
2-илова

**Белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номланиши	Жойлашган манзили	Давлат улуши (фоизда) ⁽²⁾
Ёғ-мой саноати корхоналари			
1.	“Турон Хожейли” АЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	79,7
2.	“Ёғгар Беруний” АЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	89,3
3.	“Андижон ёғ-мой” АЖ	Андижон вилояти	58,4
4.	“Асака ёғ” АЖ	Андижон вилояти	51,1
5.	“Когон ёғ экстракция” АЖ	Бухоро вилояти	51,0
6.	“Нурли дон” МЧЖ	Жиззах вилояти	51,0
7.	“Бўстон олами” МЧЖ	Жиззах вилояти	51,0
8.	“Косон ёғ экстракция” АЖ	Қашқадарё вилояти	51,0
9.	“Гулистон ёғ экстракция” АЖ	Сирдарё вилояти	58,9
10.	“Сурхонозиковқатсаноати” АЖ	Сурхондарё вилояти	59,9
11.	“АгроХизмат шиндон” МЧЖ	Сурхондарё вилояти	51,0
12.	“Вангози АгроЭкспорт” МЧЖ	Навоий вилояти	51,0
13.	“Континент-Н ёғ-мой” МЧЖ	Навоий вилояти	51,0
14.	“Учқўргон ёғ-мой” АЖ	Наманган вилояти	51,7
15.	“Наманган тола текстил” МЧЖ	Наманган вилояти	51,0
16.	“Янгийўл ёғ-мой” АЖ	Тошкент вилояти	51,0
17.	“Кўқон ёғ-мой” АЖ	Фарғона вилояти	51,0
“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ			
18.	“Самарқанд вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ ⁽¹⁾	Самарқанд вилояти	32,4
19.	“Тошкент вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ ⁽¹⁾	Тошкент вилояти	34,8

Т/р	Номланиши	Жойлашган манзили	Давлат улуши (фоизда) ⁽²⁾
Бошқалар			
20.	“Бухоропарранда” АЖ	Бухоро вилояти	36,2
21.	“Бухоро гўшт-сут савдо” АЖ	Бухоро вилояти	30,8
22.	“Самарқандмармар” АЖ	Самарқанд вилояти	6,9
23.	“Сурхондарё озик-овқат моллари” АЖ	Сурхондарё вилояти	100,0
24.	“Наманганагромаш” МЧЖ	Наманган вилояти	91,5
25.	“Фарғона гўшт-сут савдо” АЖ	Фарғона вилояти	25,0
26.	“Хоразмсувқурилиш” АЖ	Хоразм вилояти	70,0
27.	“Ўрта осиё транс” АЖ	Тошкент шаҳри	51,0
28.	“Матбуот тарқатувчи” АЖ	Тошкент шаҳри	26,0
29.	“Ўзимпексалоқа” МЧЖ	Тошкент шаҳри	51,9
30.	“Стройсервис” МЧЖ ҚҚ	Тошкент шаҳри	21,0
31.	“Друппа-дизайн” МЧЖ ҚҚ	Тошкент шаҳри	32,0
32.	“Иссиқликкуваттаъмир” МЧЖ	Тошкент шаҳри	51,1
33.	“SPI&OWT” МЧЖ ҚҚ	Тошкент шаҳри	4,0
34.	“Безак” МЧЖ	Тошкент шаҳри	17,5
35.	“4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси” МЧЖ	Тошкент шаҳри	98,6

Изоҳ:

Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита заруратга кўра мазкур Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хукукига эга.

1) номинал қийматда “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ устав капиталига берилади.

2) хўжалик жамиятларининг ташкилий-хукуқий шакли ёки сотилиши белгиланган давлат улуши миқдори ўзгарган тақдирда, активларнинг сотилиши ўзгаришларни инобатга олган холда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарорига
3-илова

**Хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли инвестиция таклифларининг
РҮЙХАТИ**

Т/п	Таклиф номи	Худуд	Кувват	Тахминий қиймат (млн долл.)	Лойиҳа устида ишлаш учун масъул органлар
I. Ёқилғи-энергетика ва нефть-кимё тармоқларида инвестиция таклифлари <i>(таклифлар сони – 20, таклифлар қиймати – 4 447,6 млн АҚШ.долл.)</i>					
1.	Нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун пиролиз дистиллатини қайта ишлаш (БТК, ЛАБ/ЛАС)	Аниқланмоқда	8 минг т	250	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
2.	Ўзбекистон Республикасида Инвестициялар блокларида геология-қидирав ишларини олиб бориш имкониятларини ўрганиш (Агинский, Насамбек, Араломор, Коскор, Мешекли-Тузскойский, Самско- Косбулакский, Орол денгизи акваторияси, Байтерек, Сирдарё, Приташкент, Чинобод, Узунқун, Шарқий Сурхон ва бошқалар)	Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари	геология- қидирав ишларини олиб бориш	Инвестициялар блоки бўйича материалларни ўрганиш якунлари бўйича аниқланади	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
3.	Суюқ углеводородларни қазиб олишни узок вакт давомида ишлаб чиқилган, кам дебитли, консервация қилинган нефть конларида ва қазиб чиқарилиши қийин захирага эга бўлган конларда кўпайтириш	республика бўйича	конлардан келиб чиқиб	конлардан келиб чиқиб	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
4.	100 МВтгача куёш фотоэлектрик станцияларини қуриш	Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари	600 МВт	600	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)

5.	Қуввати 100 МВтгача шамол электр станцияларини куриш	Қарақалпогистон Республикаси ва Навоий вилояти	600 МВт	900	Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
6.	Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳасини ташкил этиш	Сирдарё вилояти	400 минг т аммиак ва 660 минг тонна карбамид	600	“Ўзкимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
7.	Ферросилиция ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти	10 минг т	10	“Ўзкимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
8.	Фосфорли ўғитлар, сулфат кислотаси ишлаб чиқариш, фосфорит рудасини қайта ишлаш	Навоий вилояти	ф.минг 100 фоизида 274 минг т фосфорли ўғитлар ва 1,5 млн. т сулфат кислотаси, 2,4 млн т фосфорит рудасини қайта ишлаш	950	“Ўзкимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
9.	Ўсимликлар ҳимояси учун кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти	5 минг т	5	“Ўзкимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
10.	Сулфат калий ва бошқа калий тузлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти	120 минг т	61	“Ўзкимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташки

					савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
11.	Гранулаланган калий хлорид ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти	180 минг т	15	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
12.	Полисулфат натрий ва аммоний роданити асосида тиомочевин ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти	10 минг т	50	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
13.	Қуруқ циантузлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти	10 минг т	30	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
14.	Ангрен ЭИЗ ҳудудида текстиль кордини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти	3 минг т	20	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
15.	Ангрен ЭИЗ ҳудудида техник углерод ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти	40 минг т	100	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
16.	Махсулотларнинг кенг ассортиментларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти	формальдегид - 40,0 минг т, карбамид-формальдегид смолоси 40 минг т, меламин-формальдегид смолоси 15,0 минг т,	435	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)

			МТБЭ – 35,0 минг т, хлор уксус кислотаси – 30 минг т, метиламин – 30,0 минг т		
17.	ЛАБ асосида синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	аниқланмоқда	58,6	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
18.	Пероксид водород ишлаб чиқариш	аниқланмоқда	12 минг т	25	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
19.	Поливинилхлорид ишлаб чиқариш учун каустик сода ва хлор ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	60 минг т каустик сода ва 56 минг т хлор	213	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
20.	Катализатор ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	7,5 минг т катализатор	125	“Ўзқимёсаноат” АЖ (О. Темиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)

II. Металлургия, машинасозлик, электротехника тармоқлари ва енгил саноат соҳаларида инвестиция таклифлари
(таклифлар сони – 13, таклифлар қиймати – 537,3 млн АҚШ.долл.)

21.	Қимматбаҳо металлар учун истиқболли майдонларни геологик жиҳатдан ўрганиш	Навоий ва и Самарқанд вилойтлари	геологик- қидириув ишлари	10	Геология қўмитаси (Б. Исламов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
22.	Рангли металлар учун истиқболли майдонларни геологик жиҳатдан ўрганиш	Сурхондарё ва Навоий вилойтлари	геологик- қидириув ишлари	5	Геология қўмитаси (Б. Исламов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
23.	Нодир металлар ва нодир ер элементлари учун	Жиззах ва	геологик-	5	Геология қўмитаси

	истикболли майдонларни геологик ўрганиш	Кашқадарё вилоятлари	қидирув ишлари		(Б. Исламов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
24.	Мустаҳкамлаш буюмларини, шу жумладан болт ва гайка ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани	360 т	7,2	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ (М. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
25.	Қиздириб ишлайдиган ва гальваник қопламали валлар ва тишли ғилдиракларни ишлаб чиқиш қувватларини ташкил этиш	Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани	12 минг. машина-комплект	12,2	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ (М. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
26.	Тракторларга унифициялаштирилган кабиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани	12 минг. машина-комплект	3,9	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ (М. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
27.	Гусенициали ихтисослаштирилган, йўл-курилиш ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани	аниқланмоқда	10	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ (М. Каримов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
28.	Тошкент шаҳрида кичик бизнес субъектлари иштироқида тармоқлараро ҳамкорликни таъминлайдиган ва таркибида қуюв, вакум қуюв усулида заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, 3D технологиясидан фойдаланган ҳолда тошлар билан қўйиш, михловчи ва чархловчи заргарларни, 3D дизайн ва моделлаштириш мутахассисларини тайёрловчи ўкув марказидан иборат заргарлик кластери лойиҳасини амалга ошириш	Тошкент шахри	аниқланмоқда	аниқланмоқда	“Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси (Д. Саматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
29.	Кичик бизнес субъектлари, заргарлик корхоналари иштироқида, сайёҳлик марказларида ишлаб чиқариш ва савдо павильонлари шаклида лойиҳани амалга ошириш	Бухоро, Самарқанд, Кашқадарё,	аниқланмоқда	аниқланмоқда	“Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси (Д. Саматов), Инвестициялар

		Хоразм ва Наманган вилоятлари			ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
30.	Газлама ва тайёр маҳсулотларни босқичма-босқич ишлаб чиқаришини ташкил этиш	аниқланмоқда	аниқланмоқда	10	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (И. Хайдаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
31.	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини яратиш (Дата-центр)	Тошкент шаҳри, Фарғона ва Бухоро вилоятлари	10 Пбайт гачам	46,6	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
32.	Ўзбекистон Республикасида кенг полосали уланишни кенгайтириш	республика бўйича	620 мингта портга ускуналарни ўрнатиш	404,5	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
33.	Коммутация ускуналарини NGN технологияси бўйича кенгайтириш	республика бўйича	550 минг ракамли ускуналарни ўрнатиш	22,9	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)

III. Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида истиқболли таклифлар
(таклифлар сони – 26, таклифлар қиймати – 551,2 млн АҚШ.долл.)

34.	Агрологистика комплексини ташкил қилиш	Тошкент вилояти	100 минг т	55,5	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев),
-----	--	-----------------	------------	------	--

					Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
35.	Узум плантацияларини кенгайтириш ва вино ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Жиззах вилояти	3,5 минг т	4,4	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
36.	Болалар ва бошқа турдаги озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Самарқанд вилояти	7,5 минг т	11,8	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
37.	Интеграциялашган паррандачилик фабрикасини барпо этиш	Андижон вилояти	10 минг т.	50	Ветеринария қўмитаси (Б. Норқобилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
38.	Йиллик қуввати 5 000 дона бўлган туяқуш хўжалигини барпо этиш	Жиззах вилояти	5 000 дона	1,7	Ветеринария қўмитаси (Б. Норқобилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
39.	Балиқ етишириш ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Жиззах вилояти	2,6 минг т	6,7	Ветеринария қўмитаси (Б. Норқобилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
40.	Чорвачилик кластерини ташкил этиш	Сирдарё вилояти	5,2 минг бош	45	Ветеринария қўмитаси (Б. Норқобилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
41.	Замонавий “Nethaus” агротехнологиялари асосида сабзавот маҳсулотларини етиширишни ташкил этиш	республика бўйича	6 минг т	13	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи

					савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
42.	Замонавий “Nethaus” агротехнологиялари асосида дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари учун тақсимлаш агромарказини барпо этиш (кўчат кўпайтириш комплекси, саралаш ва қадоқлаш маркази, сақлаш омбори)	Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари	200 минг т	60	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Фарғона вилоят ҳокимияти (Ш. Фаниев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
43.	Қуввати 1000 гектар бўлган лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш	республика бўйича	150 минг т	113	“Лимон ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси (Ф.Нуритдинов) Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
44.	Юнон ёнғоги, бодом ва писта етиштириш бўйича интенсив боғлар ташкил этиш	аниқланмоқда	35,5 минг т	37,7	Юнон ёнғогини ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси (К. Абдуллоев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
45.	ИНВИТРО лабораториясидан фойдаланиб ўсимликларнинг микроклонал тарқалишини ташкил этиш	Самарқанд вилояти	2 млн. дона клон	3,2	Юнон ёнғогини ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси (К. Абдуллоев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
46.	Бирламчи узумни қайта ишлаш пунктини яратиш <i>(Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Ўзбекистон шампани” АЖ)</i>	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	3 минг т	1,4	Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги (О. Мустафаев), Инвестициялар ва ташки

					савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
47.	Узумни бирламчи ишлов бериш учун пунктини ташкил этиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Комбинат Ташкентвино” АЖ ИИ)	Жиззах вилояти, Зомин тумани	5 минг т	5	Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги (О. Мустафаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
48.	Қамиш қайта ишлаш ва қофоз, пахта ва заррачаларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “WANG DA GROUP” МЧЖ ҚҚ)	Қорақалпоғистон Республикаси	100 минг т қамишни қайта ишлаш	5	Ўрмон хўжалиги кўмитаси (Н. Бакиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
49.	Қизил мия илдизини қайта ишлаш заводини яратиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш (экстрактлар, чанглар ва бошқалар)	Қорақалпоғистон Республикаси	240 минг т қизилмия илдизини қайта ишлаш	7	Ўрмон хўжалиги кўмитаси (Н. Бакиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
50.	Юқори протеинли балиқ озуқа ишлаб чиқариш учун оқ люпин етиштириш ва оқ люпинни қайта ишлаш заводини ташкил этиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “AGRO GREEN TECHNOLOGY” МЧЖ)	Жиззах вилояти, Зомин тумани	20 минг т оқ люпинни қайта ишлаш	3,5	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
51.	Ёпик сув таъминоти курилмаларини яратиш орқали балиқ етиштиришни ташкил этиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Соф хавзалар” МЧЖ)	Қашқадарё вилояти, Нишон тумани	100 т балиқ етиштириш	0,5	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
52.	Балиқчилик мажмуасини яратиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Намуна балиқчилиги” МЧЖ)	Қашқадарё вилояти, Қарши тумани	500 т балиқ етиштириш, 2 000 т озуқа ишлаб чиқариш	.2	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
53.	Балиқчилик мажмуасини яратиш	Қашқадарё вилояти, Қарши ш.	150 т балиқ етиштириш,	0,5	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси

	(Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Мастерок гарант” МЧЖ)		10 минг т озуқа ишлаб чиқариш		(О. Мусаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
54.	Кичик интенсив сув ҳавзалари усулида балиқчилик комплексини яратиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Oq Amur Baliqlari” ФХ)	Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани	150 т балиқ етиштириш, 100 т озуқа ишлаб чиқариш	1	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
55.	Балиқ маҳсулотини қайта ишлашни ташкил этиш	Сирдарё вилояти, Сардоба тумани	100 т	1	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
56.	Ёпик сув таъминоти қурилмаларини яратиш орқали балиқчилик комплексини яратиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “MR-Fish Namangan” МЧЖ)	Наманган вилояти, Поп тумани	50 т	1	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
57.	Замонавий балиқчилик комплексини ташкил қилиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Бўстон туризм” МЧЖ)	Қорақалпогистон Республикаси, Элликқалъа тумани	40 т	1	“Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси (О. Мусаев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
58.	Агросаноат логистика марказини яратиш (Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор “Бўстонлиқ картошкочилик маркази” МЧЖ)	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	30 минг т совутиш омбори	10,3	Картошка ишлаб чиқарувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси (Э. Тошпўлатов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
59.	Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини ишлаб чиқариш бўйича кластер яратиш	Фарғона вилояти, Кўқон ш.	аниқланмоқда	10	Инновацион ривожлантириш вазирлиги (И. Абдурахмонов) Инвестициялар ва ташки

					савдо вазирлиги (С. Умурзоков)
IV. Йўл-транспорт инфратузилмаси, коммунал уй-хўжалиги қурилиши ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида истиқболли таклифлар					
<i>(таклифлар сони – 5, таклифлар қиймати – 534,3 млн АҚШ.долл.)</i>					
